

МОЛИЯ

ИЛМИЙ ЖУРНАЛ

3/2020

Муассис: Тошкент молия институти

Таҳририят ижодий жамоаси:

Бош муҳаррир: *А.Каримов*
Бош муҳаррир ўринбосари: *С.Меҳмонов*
Муҳаррир: *М.Хусанова*
Техник муҳаррир: *Н.Абдуллаев*

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2008 йил 24 мартда 0519-рақам билан рўйхатга олинган.

2008 йилдан нашр қилинади, бир йилда 6 марта чиқади.

Ўзбекистон ҳудудида тарқатилади.

«Молия» илмий журнали Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2013 йил 13 декабрдаги 201/3-сонли қарорига биноан иқтисод фанлари бўйича фан доктори илмий даражасига талабгорларнинг диссертация ишлари юзасидан илмий мақолалари эълон қилиниши зарур бўлган ОАК илмий журналлари рўйхатига киритилган.

Веб-сайт: *www.tfi.uz/Issues/Jmoliya*
e-mail: *moliya@tfi.uz*
Обуна индекси – 1204

Таҳририят манзили: 100084,
Тошкент ш., А.Темур кўчаси, 60^а-уй
Тел.: (0 371) 234-66-89

ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ:

У.Ў.АЗИЗОВ – Тошкент молия институти ректори.

ТАҲРИР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ:

А.А.КАРИМОВ – Бош муҳаррир, иқтисод фанлари доктори, профессор.

С.У.МЕҲМОНОВ – Бош муҳаррир ўринбосари, иқтисод фанлари доктори, профессор.

Т.К.ИМИНОВ – «Alskom» суғурта компанияси Бош директори.

М.Б.НУРМУРАТОВ – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси.

А.Ж.ТЎЙЧИЕВ – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Т.С.МАЛИКОВ – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Э.Ғ.НАБИЕВ – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Т.Т.ЖЎРАЕВ – иқтисод фанлари доктори, профессор.

З.Х.ТОШМАТОВ – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Б.Э.ТОШМУРОДОВА – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Ш.З.АБДУЛЛАЕВА – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Ф.Х.НАЗАРОВА – иқтисод фанлари доктори, профессор.

А.С.ЖЎРАЕВ – иқтисод фанлари доктори, профессор.

А.З.АВЛОҚУЛОВ – иқтисод фанлари доктори.

С.Э.ЭЛМИРЗАЕВ – иқтисод фанлари доктори.

Ж.АТАНИЯЗОВ – иқтисод фанлари доктори.

Ф.Т.МУҲАМЕДОВ – иқтисод фанлари доктори.

ТАН СРИ ДАТО ЖОЗЕФ АДАЙКАЛАМ – Малайзия, Байнерий университети Президенти, профессор.

А.Ш.ҲАСАНОВ – PhD, Австралия Монаш университети кафедра мудири.

Э.Р.ЗАКИРОВА – PhD, доцент Уральского государственного экономического университета.

ТАЕ-НУОНГ МУН – Жанубий Корея, Моквуон университети профессори.

ПИТЕР ХАЙК – Чехия Республикаси, Богем университети профессори.

ЯВУЗ ДЕМИРЕЛ – Туркия Республикаси, Кастамону университети профессори.

МОЛИЯ ВА БЮДЖЕТ

- О.С.Дусмухамедов.** Аҳоли молиявий саводхонлиги даражасини оширишнинг жаҳон тажрибаси5
- Т.С.Маликов, Х.А.Қобулов.** Молиявий саводхонликни оширишга “яшил чирок” – давр талаби..... 17

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ

- М.Ш.Маматкулов.** Ягона ҳисоб-китоб марказида корхоналарнинг ҳисоб сиёсатини шакллантириш услубиётини такомиллаштириш24
- З.К.Тажекеев.** Корхоналарда қарзлар ҳисобини такомиллаштириш масалалари32
- С.Т.Утегенова, Ш.Н.Файзиев.** Аудиторлик текширувлари иш сифати ташқи назоратининг амалиётдаги ҳолати: Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар мисолида39
- И.И.Мелиев, О.Қ.Қушматов.** Халқаро стандартлар асосида аудиторлик текширувини режалаштириш масалалари.....47

БАНК ИШИ

- З.А. Холмахмадов, И.Убайдуллаева.** Инфляцион таргетлашнинг мазмуни ва зарурлиги58
- М.С.Раҳманов.** Тижорат банклари депозит рискин математик моделлаштириш масалалари.....66
- Н.Худайбергенова.** Макроиктисодий барқарорликни таъминлашда давлат фискал ва монетар сиёсатининг ўрни76
- Н.И.Султанова.** Микромолиялаш тизимини Ўзбекистонда ривожлантиришнинг аҳамияти87
- Х.С.Тиллаев.** Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар бозоридаги операцияларини ривожлантириш муаммолари93

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

- Ф.А.Матчанова.** Пути повышения конкурентоспособности промышленных предприятий101
- Э.И.Носиров.** Пандемия инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири ...107

СОЛИҚ ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ

- Ш.У.Қиёсов.** Жисмоний шахслар даромадларидан солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш йўналишлари 116
- Ғ.А.Сафаров.** Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни такомиллаштириш 129

ПЕНСИЯ ИШИ

- Д.Р.Рустамов.** Пенсия жамғармасининг молиявий барқарорликни таъминлаш йўналишлари 139

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ

- У.К.Якубов.** Ташқи савдо фаолиятининг назарий асослари 147
- М.Ю.Жуманиязова.** Рақамли платформаларни қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятидаги ўрни ва аҳамияти 153
- С.Х.Байжанов.** Рақамли иқтисодиёт шароитида солиққа тортиш тизимининг ўрни 159

КИЧИК БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК

- Х.Д.Хужакулов, А.И.Рўзиев.** Республикамиз ҳудудларида кичик тадбиркорлик соҳаси ривожланиш тенденцияларининг статистик таҳлили 163
- И.Ҳабибуллаев, М.Х.Саидова.** Ўзбекистонда коронавирус пандемиясининг бизнес субъектлари фаолиятига таъсири ва уни юмшатиш стратегиялари 171

МАРКЕТИНГ ВА БОШҚАРУВ

- Ш.А.Ходжаева.** Маркетинг агро маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарни бошқаришнинг базавий функцияси сифатида 179

ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ

- Ж.А.Умирзоқов.** Пандемия шароитида Евросиё иқтисодий иттифоқи давлатларида эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш масалалари 187

УЎТ 330.05

Т.С.МАЛИКОВ, Х.А.ҚОБУЛОВ

**МОЛИЯВИЙ САВОДХОНЛИКНИ ОШИРИШГА
“ЯШИЛ ЧИРОҚ” – ДАВР ТАЛАБИ**

Мақолада молиявий саводхонликни оширишнинг зарурлиги, аҳамияти, муаммолари, уни амалга ошириш стратегиясига доир таклифлар ақс эттирилган.

В статье отражены необходимость, значение, проблемы повышения финансовой грамотности и предложения в рамках стратегии ее реализации.

The article reflects the need, importance, problems of increasing financial literacy and suggestions as part of the strategy for its implementation.

Таянч сўзлар: *молиявий саводхонлик, билим, пул, даромад, харажат, молиявий ресурс, молиявий хизматлар, депозит (омонат), жамгарилма, молиявий қарорлар қабул қилиш.*

Ключевые слова: *финансовая грамотность, знание, деньги, доходы, расходы, финансовые ресурсы, финансовые услуги, депозит, сбережения, принятие финансовых решений.*

Keywords: *financial literacy, knowledge, money, income, expenses, financial resources, financial services, deposit, savings, financial decision-making.*

КИРИШ

Замонамиз – ўзгарувчан. Бунинг устига, Ўзбекистонимизда бозор муносабатлари қарор топиб, тобора мустақамланиб бормоқда. Ҳаётимизни бозор иқтисодидан айро ҳолда тасаввур этишнинг иложи йўқ. У турмушимизнинг барча жабҳа (соҳа) ларига шиддат билан кириб бориб, ўз изини қолдирмоқда. Бир вақтнинг ўзида, иқтисодга хос бўлган муносабатлар ҳам тобора ўзгаряпти: такомиллашмоқда; мураккаблашаётир; тобора қалтислик касб этипти; нозиклашмоқда; нафислик характерига эга бўлмоқда... Хуллас, улар узлуксиз ривожланмоқда.

Иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб ривожланиши, аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигининг ошиши кўп жиҳатдан фуқароларнинг иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга онгли равишда муносабатда бўлиши, иқтисодий тафаккур ва кўникмаларининг ривожланишига боғлиқ. Зеро, фуқаролар қанчалик юқори иқтисодий фаоллик ва молиявий саводхонликка эга бўлса, уларнинг иқтисодий фаолияти, ҳаётнинг турли жабҳаларида қабул қилаётган қарорлари шу даражада асосли ва самарали бўлади. Юқори молиявий саводли мутахассислар ишбилармонлик муҳитининг ривожланишига, тадбиркорлик фаолиятининг янада тараккий этишига, молиявий хизматлар ҳамда улардан фойдаланиш кўламининг кенгайишига ва

натижада мамлакатнинг молиявий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашга, шунингдек, аҳолининг ижтимоий муаммоларини самарали ҳал этилишига улкан хизмат қилади.

Шу ўринда Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг, жумладан, “Камбағалликни камайтириш... учун, энг аввало, ... аҳолининг... молиявий саводхонлигини ошириш, ...”[1] дея таъкидлаши аҳолининг молиявий ресурслар билан муомала қилиш ва уларни оқилона бошқариш борасидаги билимларини кенгайтириш, тадбиркорлик фаолиятини кенг тарғиб этиш, ҳар бир фуқаронинг бу борадаги имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш зарурлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиққан ҳолда иқтисодий ресурслардан фойдаланиш, янги иш ўринларини яратиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш каби муҳим жиҳатларга моддий ва молиявий манфаатдорлик, рағбатлантириш, молиявий-иқтисодий дастаклардан унумли фойдаланиш орқали ёндашилмоқда.

Замонавий ривожланган ва тез ўзгарувчан дунёда молиявий маданият масаласи муҳим аҳамият касб этмоқда. Молиявий саводхонлик инсонга вазиятга, бошқа инсонларнинг хоҳишига, тизимга боғлиқ бўлмасликка имкон беради. Ўқимишли шахс ҳаётда ўзи учун моддий асос яратадиган, энг жозибали йўллари танлай олади.

Пулнинг нима эканлигини ҳамма билади, лекин у билан қандай муомала қилиш, афсуски, барчанинг ҳам қўлидан келавермайди. Кўпчиликнинг фикрича, энг асосийси – пулни ишлаб топиш. Уни сарфлаш (харж қилиш) эса – бош қотиришга арзигулик муаммо эмас. Натижада йирик харидларни амалга ошириш мураккаблашади. Кўзда тутилмаган харажатлар учун ҳам доим пул етишмай қолаверади.

Молиявий саводхонлик бўйича билимлар пулни қандай бошқариш – ишлаб топиш ва харж қилиш, асраб-авайлаб жамғариш (кўпайтириш) ва инвестициялаштириш, молиявий риск ва фирибгарликлардан ҳимоя қилиш, бюджет ва шахсий молиявий режани тузиш – кераклигини тушунишга ёрдам беради. У ёки бу ҳаётий вазиятларда молиявий инструментлар (депозит (омонат)лар, тўлов карталари, кредитлар ва ҳ.к.лар) қандай қилиб ёрдам бериши мумкинлигини англашга, афзалликлари ва камчиликларини ҳисобга олган ҳолда молиявий таклифларни танқидий баҳолашга ва ўзларининг шахсий мақсадларига эришиш учун онгли танловни амалга оширишга ўргатади.

Нега ёшлиқданоқ молиявий саводхонлик асосларини яхши ўзлаштириб олиш керак? Бунинг асосий сабаби шундаки, ҳаётимизда қабул қиладиган энг муҳим қарорларимизнинг жуда кўпи пул билан боғлиқ. Уй-жой сотиб олиш ва ўз бизнесимизни йўлга қўйишдан тортиб, то жамғариладиган пенсиямизни шакллантириш ва қимматли қоғозларга инвестициялаштиришгача бўлган ишларимизни пулдан айро ҳолда тасаввур этишнинг иложи йўқ.

Молиявий муаммоларни ҳал этишда қанчалик эрта етарли тайёргарликка эга бўлсак, шунчалик ўз молиявий маблағларимизни бошқариш борасида энг яхши стратегияга эга бўлишимиз мумкин. Бу кундалик ҳар хил ҳаётий вазиятларда ҳам тўғри танловни амалга оширишга ёрдам беради. Масалан, йирик харидни

амалга ошириш учун кредит олиш керакми ёки бунинг учун пулларимизни депозит (омонат)да жамғарганимиз маъқулми? Ахир, бу саволларнинг умумий ва оммабоб жавоби – ҳаётда мавжуд эмас. Зеро, турли вазиятларда турлича ёндашиш тақозо этилади. Бунинг устига, ҳаммамизнинг фаровонлигимиз айнан ана шу “рози” ва “қарши”ларни қанчалик тўғри ўлчаётган (баҳолаётган) олишимизга боғлиқ.

Шу ўринда мамлакатимизда аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш стратегиясини яратиш борасида ишларни олиб боришга тайёргарлик кетаётган бир вақтда, илмий изланишлар, ҳаётий кузатишларимиз ва хорижий тажрибаларни ўрганган ҳолда, ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдириб ўтишга жазм қилдик.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Аҳолининг, жумладан, ёшларнинг молиявий саводхонлигини ошириш зарурати давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан саналади. Аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини оширишда, банк, солиқ, суғурта, лизинг, фонд бозори ва бошқа молиявий хизматлардан самарали фойдаланишни ташкил этишда олий таълим муассасаларида тайёрланадиган мутахассисларнинг ўрни бекиёсдир.

Бироқ, маълумки, олий таълимнинг ноиқтисодий таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабаларга молиявий саводхонлик бўйича билимлар етарли даражада берилмаяпти. Жорий ўқув йилидан бошлаб ноиқтисодий таълим йўналишлари ўқув режаларининг I блокада бўлган “Иқтисодиёт назарияси” фани чиқариб юборилди. Аммо, аввалги йилларда мазкур фан ўқитилиб келинган бўлса ҳам, фан дастурида айнан молиявий саводхонликни шакллантириш, уни оширишга кўмак берувчи мавзулар сони чекланган эди.

Ушбу мавжуд муаммони хал этиш учун олий таълимнинг барча ноиқтисодий таълим йўналишлари ўқув режаларига мажбурий фан сифатида “Молиявий саводхонлик” фанини киритиш лозим. Худди шундай амалиётни нафақат олий таълимда, балки ўрта махсус таълим тизимида ҳам жорий қилса бўлади. Бу билан олий ҳамда ўрта махсус таълимнинг ноиқтисодий таълим йўналишида таҳсил олувчи талаба ва ўқувчиларда молиявий саводхонлик бўйича билимларнинг шаклланишига эришилади.

Шунингдек, олий таълимнинг иқтисодий таълим йўналишларида иқтисодий билимлар мажмуи берилгани билан биргаликда, талабаларнинг айнан молиявий саводхонлиги, яъни шахсий молиясини бошқариш бўйича малака ва кўникмалари етарли даражада шаклланишида “бўшлиқ” мавжуд. Шундай “бўшлиқ”ни тўлдириш мақсадида Олий таълимнинг иқтисодий таълим йўналишларида ҳам “Молиявий саводхонлик” фанини ўқитиш фойдадан холи эмас. Худди шундай амалиётни ўрта махсус таълим тизимида ҳам жорий қилиш мумкин.

Ўрта таълим (мактаб) дастурларига киритилган “Иқтисодий билим асослари” (8–11 синфларда ўқитилади) дарсликлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, қамров ўта кенг олинган бўлиб, мактаб ёшидаги болалар учун мураккаблик қилади. Шунингдек, бу ерда мактаб ёшидаги болани ўз шахсий жамғарилмаларини шакллантириш, уни кўпайтириш, ундан фойдаланиш масалалари деярли четлаб ўтилган.

Бу борадаги хориж тажрибаларига назар ташланса, Россия молия вазирлиги томонидан 2011 йилда амалга киритилган “Россия Федерациясида аҳолининг молиявий саводхонлик даражасини ошириш ва молиявий таълимни ривожлантиришга қўмаклашиш” лойиҳаси [2] доирасида ўрта мактабларнинг 2-синфидан бошлаб танлов фани сифатида “Молиявий саводхонлик” курслари киритилган.

Ушбу илгор хориж тажрибасидан андоза олган ҳолда, бизнинг фикримизча, қуйидагиларни амалга ошириш мумкин:

1-вариант. Ўрта таълим (мактаб) дастурларига киритилган “Иқтисодий билим асослари” (8–11 синфларда ўқитилади) фани тематикасини тубдан қайта кўриб чиқиш ҳамда мактаб ёшидаги болани ўз шахсий жамғарилмаларини шакллантириш, уни кўпайтириш, ундан фойдаланиш масалаларини ўргатишга йўналтирилган мавзулар билан бойитиш. Бунга иқтисодий олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини жалб қилиш асқатади.

2-вариант. Ўрта таълимнинг 2-синфидан бошлаб “Молиявий саводхонлик” дарсини жорий қилиш. Фан бўйича билим бериш мақсадида, ўқувчиларнинг ёшини ҳисобга олган ҳолда, дарсликларни 2–4-синфлар учун, 5–7-синфлар учун, 8–11-синфлар учун тайёрлаш.

Бу билан мактаб ёшидаги болалар ўз шахсий жамғарилмаларини шакллантириш, уни кўпайтириш, ундан фойдаланиш бўйича билимларга эга бўладилар.

Шунингдек, мактаб ўқувчиларининг молиявий саводхонлигини ривожлантиришга ва унинг натижасидан манфаатдорлик ҳиссини уйғонишига хизмат қиладиган турли кўргазмалар, кўрик-танловларни ташкил қилиш ва ўтказиб бориш, ғолиблар учун махсус имтиёзли молия хизматларини тақдим этиш амалиётини йўлга қўйса бўлади. Шу билан бирга, болаларда молиявий саводхонликни оширишга рағбатлантирувчи турли лойиҳалар, дастурлар, тадбирларни ташкил этиш зарур.

Масалан, Германияда саксон йилдан кўпроқ вақтдан буён ҳар йили “Иқтисод куни” (Weltspartag) нишонланади. Аввалига байрам ғояси Италияда пайдо бўлган ва бу халқроқ деб номланади. Бироқ Германияда бу байрам миллий дастур ролини ўйнайди. Ушбу кун болалар бир йил давомида жамғарган кўп бўлмаган маблағларини банкка “жойлаштирадилар” ва бунинг учун онгли молиявий ҳаракатини рағбати сифати совғага сувенирлар, ўйинчоқлар оладилар. Бундай ноодатий йўл билан давлат молиявий саводли келажак авлодни тарбиялайди [3].

Ўзбекистонда ҳам молиявий саводли келажак авлодни тарбиялашга қўмаклашиш мақсадида бир йилда бир марта “Иқтисод куни”ни ташкил этиш ҳамда молия муассасалари томонидан болалар учун уларнинг ўз жамғарилмалари ёрдамида турли махсус молия хизматларидан фойдаланиш имкони берилиши лозим.

Ёш болаларда пул билан муомала қилишда ўзига, катталарда уларга бўлган ишончининг пастлиги, мустақилликнинг етишмаслиги, етарлича мустақиллик билан таъминланмаганлиги ҳам илгари сурган мавзуимизга оид муаммолардан биридир.

Германияда бола 11–12 ёшдан, Ҳиндистон, АҚШда 10 ёшдан бошлаб мустақил айрим пулли банк операцияларини бажара олади, яъни унинг номига банк пластик

картаси очилиши, ундаги маблағдан мустақил фойдаланиш, уни маблағ билан тўлдириши мумкин[4]. Фақатгина бундай карталардан мактаб ошхонасида, жамоат транспортида, болалар учун мўлжалланган дўконлар ва шу кабиларда фойдаланиши мумкин.

Ўзбекистонда ҳам маълум банк опрецияларига киришиш учун минимал ёш чегарасини пасайтириш (амалда 16 ёш), болаларга мўлжалланган банк пластик карталарини муомалага киритиш керак. Бу билан ёш болаларда пул билан муомала қилиш тажрибаси шаклланиб боради, ўзига бўлган ишонч ортади, молиявий мустақиллик кўникмалари шаклланиб боради.

Бугунги кунда аҳолининг, айниқса, ёшларнинг турли хил видеоўйинлар, мобил иловаларга қизиқишлари юқори. Фан-техника тараққиёти, ёшларнинг шу каби қизиқишларидан фойдаланган ҳолда молиявий саводхонликни ошириш ҳамда ривожлантиришга кўмаклашувчи ўзбек тилидаги турли видеоўйинлар, мобил иловалар яратиш зарур.

Болалар учун уларни ривожлантирувчи маҳаллий медиа ресурслар етишмайди. Шу боис, болаларнинг ёшига мос келадиган молиявий саводхонликни шакллантириш, ривожлантиришга хизмат қилувчи миллий медиа ресурсларни, яъни кўрсатувлар, телеўйинлар, мультфильмлар ва шу кабиларни яратиш муҳим ҳисобланади. Улар орқали, ёшларнинг, болаларнинг молиявий саводхонлигини ошириш ҳамда ривожлантиришга кўмаклашувчи замонавий воситалардан самарали фойдаланишга эришилади.

Ёшларнинг молиявий саводхонлигини бевосита уларнинг таълим масканларида, яъни мактаб, ўрта махсус таълим муассасаси, олий таълим муассасасида маълум таълим дастурлари ёрдамида шакллантириш ва ривожлантириб бориш қулайроқдир. Бироқ, аҳолининг кенг қатлами – катта ёшдагилар, жумладан, меҳнат фаолияти билан шуғулланаётганлар, пенсиядагилар, ишсизлар, уй бекаларини ҳам молиявий саводхонлигини ошириш муҳим масала ҳисобланади. Ушбу йўналишда турли мустақил таълим, кўмак, таъсир воситаларидан унумли фойдаланиш зарур. Тан олиш керак, мамлакатимизда кенг аҳоли қатламига тўғри молиявий қарорлар қабул қилишга ёрдам берадиган бепул маслаҳат хизматлари кўрсатувчи ташкилот мавжуд эмас.

Бу борада ҳам хориж тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, 2011 йил апрель ойдан бошлаб Буюк Британияда махсус ташкилот – Пул ҳақида маслаҳатлар хизмати (Money Advice Service) ишламоқда. У Истеъмолчилар учун молиявий таълим идораси (Consumer Financial Education Body, CFEB) томонидан ташкил этилган бўлиб, у, ўз навбатида, 2010 йилгача Буюк Британиядаги молиявий хизматларни бошқариш органи (Financial Services Authority, FSA) таркибига кирган. Ушбу хизмат фуқароларга тўғри молиявий қарорлар қабул қилишга ёрдамлашувчи бепул маслаҳатларни беради. Хизмат мустақил, унинг ҳаракатлари ҳам ёшларни, ҳам катталарни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Асосий мақсад аҳолининг мамлакат ичкарисида ва ундан ташқаридаги молиявий жараёнларни тушунишини таъминлашдир[5].

Ушбу хизмат тўғридан-тўғри Буюк Британия ҳукумати томонидан ташкил этилган ва унинг фаолияти FSA томонидан тўланадиган тўловлар ҳисобига амалга оширилади.

Ушбу соҳанинг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- ёш ота-оналарга ёрдам бериш;
- молиявий саводхонликни ошириш учун онлайн маҳсулотларни ишлаб чиқиш;
- мактабларда ва бошқа таълим муассасаларида ишлаш (масалан, ёшларни молиялаштириш бўйича таълим гуруҳи – Personal Finance Education Group, PFEG дарслари);

- пул маблағларидан фойдаланиш бўйича маслаҳатлар бериш.

Хорижий тажрибалардан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистонда ҳам кенг аҳоли қатламига молиявий қарорлар қабул қилишда адашмаслик имконини яратиш мақсадида тўғри молиявий қарорлар қабул қилишга ёрдам берадиган бепул маслаҳат хизматлари кўрсатувчи ташкилот фаолиятини жорий қилиш зарур. Жумладан, Интернет тармоғида молиявий саводхонликни ошириш ва молиявий хизматлар истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилувчи махсус Ахборот-таълим, маслаҳат порталини ишга тушириш, онлайн молиявий саводхонлик маҳсулотларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, катта ёшдаги аҳоли қатлами, уй бекаларини қизиқишларидан унумли фойдаланган ҳолда молиявий саводхонликни оширишга хизмат қилувчи ғоялар, сюжетлар сингдирилган телесериаллар, шунингдек, молиявий саводхонлик бўйича беллашувчи телешоулар яратиш мумкин. (Бундай амалиётни Польша тажрибасида[6] кўришимиз мумкин).

Корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ишчи-ходимларининг, ёшларнинг, уюлмаган аҳоли қатламининг молиявий саводхонлигини ошириш мақсадида иш жойларида, аҳоли пунктларида тренинглари, мастер-класслар, амалий маърузалар, семинарлар ва шу кабиларни ташкил қилиш улар учун қулайлик яратади.

Бразилия тажрибасида ҳарбийлар, ўқитувчилар ва бошқа давлат хизматчиларининг молиявий саводхонлик даражасини оширишга мўлжалланган махсус семинарлар ва курслар уларнинг иш жойларида ташкил қилинади [7].

Бугунги кунда қарийб 60 га яқин мамлакат молиявий саводхонлик бўйича миллий стратегияларни ишлаб чиқмоқдалар ёки амалга оширмоқдалар. Ҳар бир давлат ўз олдида аниқ мақсад қўяди ва бундай стратегияни шакллантиришда кутилаётган яқиний натижаларни белгилайди. Баъзи давлатлар (Канада, Испания) фуқароларга ўсиб бораётган молиявий хизматларни тушунишга ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ёрдам беришга интилмоқда. Бошқалари (Бразилия, Америка Қўшма Штатлари) фуқароларнинг молиявий саводхонлигини оширишни бутун миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш нуқтаи назаридан кўриб чиқмоқдалар. Янги Зеландия ва Буюк Британия каби давлатлар эса фуқароларнинг шахсий молиявий хатти-ҳаракатлари соҳасидаги психологик муносабатларни ўзгартиришни мақсад қилиб олганлар[8].

ХУЛОСА

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг янги босқичига ўтган янги Ўзбекистонда ҳам яқин келажакда аҳолининг молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган узоқ муддатли стратегия ишлаб чиқилиши ва ҳаётга татбиқ этилишини замон тақозо этмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, ҳаётимиз мазмуни комилликка интилишдан иборатлигини ҳаммамиз биламиз. Шу боис, комил инсон бўлишга ҳаммамиз интиламиз. Бунинг учун, энг аввало, маънавий жиҳатдан бой-баркамол бўлишимиз керак. Бу – табиий, албатта. Бирок, бизнингча, биргина маънавий жиҳатдан бой бўлишнинг ўзи комиллик учун етарли эмас. Бунинг учун яна моддий (молиявий) жиҳатдан ҳам бой-бақувват бўлишимиз керак. Бугунги кунда, ҳеч бўлмаганда, ўз маънавий ва моддий (молиявий) бойлигининг вобасталигини таъминлашга эришган инсоннигина баркамол, комил инсон деб эътироф этса бўлади. “Молиявий саводхонлик” шунга астойдил хизмат қилар экан, унинг йўлини доимо “яшил чироқ” ёритиб туриши керак эмасми?!

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 27 февралдаги тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишидаги нутқи / <https://president.uz/-uz/lists/view/3408>
2. Проект “Содействие повышению уровня финансовой грамотности населения и развитию финансового образования в Российской Федерации” / <https://www.minfin.ru/ru/om/fingram/directions/-strategy/>
3. Международный день экономии в Берлине / <https://toberlin.ru/mezhdunarodnyj-den-ekonomii-v-berline/>
4. Sunil Dhawan. 10 things to consider before opening kid’s savings account / <https://economictimes.indiatimes.com/wealth/save/want-open-a-savings-account-for-your-child-consider-these-10-points/articleshow/61590671.cms?from=mdr>
5. <https://www.moneyadvice.service.org.uk/en> - Money Advice Service (Пул ҳақида маслаҳатлар хизмати) расмий веб-сайти
6. Повышение финансовой грамотности населения: польский опыт / <http://fingramota.org/lichnye-finansy/lichnyj-byudzhnet/item/1313-po-vyshenie-finansovoj-gramotnosti-naseleniya-polskij-opyt>
7. Шибаяев С.Р., Шадрин Ю.А. Зарубежный опыт повышения финансовой грамотности населения. /ж. “Финансы и кредит”, 24 (648) – 2015, 27-б.
8. Стратегия повышения финансовой грамотности в Российской Федерации на 2017–2023 годы / <https://vashifinancy.ru/upload/docs/-Strategy.pdf>

МУАЛЛИФЛАРИМИЗ

О.С.ДУСМУҲАМЕДОВ – ЎДСМИ “МСМТЭБ” кафедраси ўқитувчиси

Т.С.МАЛИКОВ – ТМИ профессори, и.ф.д

Х.А.ҚОБУЛОВ – ТМИ доценти, и.ф.н

М.Ш.МАМАТКУЛОВ – ТИҚХММИ мустақил изланувчиси

З.К.ТАЖЕКЕЕВ – ҚДУ мустақил тадқиқотчиси

С.Т.УТЕГЕНОВА – ҚДУ ўқитувчиси

Ш.Н.ФАЙЗИЕВ – ТМИ, и.ф.н., доцент

И.И.МЕЛИЕВ – ТМИ доц.в.б., PhD

О.Қ.ҚУШМАТОВ – ТМИ катта ўқитувчиси

З.А.ХОЛМАХМАДОВ – ТМИ и.ф.н., доцент

И.УБАЙДУЛЛАЕВА – мустақил тадқиқотчи

М.С.РАХМАНОВ – ТМИ ўқитувчиси

Н.ХУДАЙБЕРГЕНОВА – ТМИ докторанти

Н.И.СУЛТАНОВА – ТДИУ докторанти

Х.С.ТИЛЛАЕВ – ТМИ ўқитувчиси

Ф.А.МАТЧАНОВА – соискатель ТГТУ

Э.И.НОСИРОВ – ТМИ и.ф.н.

Ш.У.ҚИЁСОВ – ТМИ катта ўқитувчи, PhD

Ғ.А.САФАРОВ – ТМИ мустақил изланувчиси, и.ф.н.

Д.Р.РУСТАМОВ – ТМИ доценти, и.ф.д.

У.К.ЯКУБОВ – ТМИ доценти, и.ф.н.

М.Ю.ЖУМАНИЯЗОВА – ТМИ ўқитувчиси

С.Х.БАЙЖАНОВ – ҚДУ ўқитувчиси

Х.Д.ХУЖАКУЛОВ – ТМИ профессори

А.И.РЎЗИЕВ – ТМИ ассистенти

И.ҲАБИБУЛЛАЕВ – ТМИ профессори

М.Х.САИДОВА – ТДИУ докторанти

Ш.А.ХОДЖАЕВА – ТМИ ўқитувчиси

Ж.А.УМИРЗОҚОВ – ТМИ магистранти

«МОЛИЯ» ИЛМИЙ ЖУРНАЛИДА МАҚОЛА ЧОП ЭТИШ ҚОИДАЛАРИ

Журналга чоп этиш учун тақдим қилинаётган мақолалар қуйидаги руқнларга мос келиши лозим:

1. Молия (давлат бюджети ва бюджетдан ташқари давлат жамғармалари, солиқлар ва солиққа тортиш, қимматли қоғозлар, суғурта иши ва ғазначилик).
2. Банк иши (кредит, маҳаллий ва давлат қарзлари, лизинг, баҳолаш иши).
3. Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (молиявий таҳлил).
4. Молиявий менежмент (инвестициялар, молиявий ресурслар менежменти).
5. Иқтисодиёт (микро- ва макроиқтисодий кўрсаткичлар).

Шунингдек, олий таълим тизимини ривожлантиришга оид мақолалар ҳам қабул қилинади.

Ушбу руқнларга мос келмайдиган мақолалар қабул қилинмайди ва бу масалада муаллифлар томонидан берилган саволларга жавоб қайтарилмайди.

Мақолани чоп этиш шартлари:

– мақола икки нусхада бўлиши, бирида муаллиф исми, фамилияси, иш жойи, лавозими, телефон рақамлари ва e-mail ҳамда универсал ўнлик тизими (УЎТ) бўлиши керак. Мақолада фойдаланилаётган формулалар Microsoft Equation 3.0 дастурида тайёрланган бўлиши шарт. Шунингдек, мақола мавзуси, аннотациялар ўзбек, рус, инглиз тилида ва таянч сўзлар ҳам уч (ўзбек, рус, инглиз) тилида бўлиши зарур. Аннотацияда 25 – 30 сўздан, таянч сўзлар эса 10 тадан 15 тагача бўлмоғи лозим. Иккинчи нусхада эса муаллиф ҳақидаги маълумотлар берилмайди. Мақоланинг электрон варианты ҳам бўлиши шарт.

Мақола халқаро талаблар даражасига (халқаро импакт-фактор) жавоб бериши ва унда:

- кириш;
- мавзуга оид адабиётлар таҳлили (шарҳи);
- тадқиқот методологияси, таҳлил ва натижалар;
- тақлиф ва хулоса қисмлари берилиши керак.

Мақолани тақдим этиш тартиби:

– тақдим этилаётган мақолалар компьютерда 14 шрифтда 1,5 интервалда бўлиши ва ҳажми 6 саҳифадан кам, 10 саҳифадан кўп бўлмаслиги лозим. Мақолада жадвал, диаграмма ва чизмалар ишлатилиши мумкин;

– мақола матни муаллиф томонидан талаб даражасида таҳрир қилинган бўлиши керак. Чоп этилаётган материалнинг илмий-назарий даражаси ва статистик маълумотларнинг объективлиги, уларда келтирилган иқтибос (цитата)лар, қонунлар, фармонлар, қарорлар ва бошқа ҳужжатлар номларининг тўғрилиги учун жавобгарлик муаллифлар зиммасида бўлади;

– адабиётларга ҳавола (сноска)лар квадрат шаклда матн ичида берилиб, фойдаланилган адабиётлар рўйхати мақола сўнггида жойлаштирилиши керак;

– мақола қоидаларига мувофиқ саҳифаланиши керак.

Таҳририятга келган мақолалар тегишли мутахассислар экспертизасидан ўтказилади ва ижобий баҳоланганлари чоп этилади.

Таҳририятга юборилган мақолага расмий тақриз ёзилмайди ва у муаллифга қайтарилмайди.

Мурожаат учун телефонлар: (0 371) 234-66-89, (+998 93) 576-30-68

E-mail: moliyajurnal@mail.ru

Тошкент молия институтининг «Таҳририят ва нашриёт»
бўлимида нашрга тайёрланди.

Материаллар кўчириб босилаётганда «Молия» илмий журналдан
олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Журналда эълон қилинаётган материаллардаги далиллар, рақамлар ва
маълумотларнинг тўғрилиги учун уларнинг муаллифлари жавобгар ҳисоб-
ланади.

Таҳририят фикри доим ҳам муаллифлар фикрига мос келавермайди.
Таҳририятга юборилган кўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

«Молия» илмий журналга «Матбуот тарқатувчи» АК ҳамда
«INTER PRESS» компаниялари орқали обуна бўлиш мумкин.

Теришга берилди: 20.06.2020 й. Босишга рухсат этилди: 01.07.2020 й.

Бичими 70x100_{1/16}. Шартли босма табағи 16,25.

Ҳисоб-нашр табағи 16,50. Адади 250 нусха. Буюртма № 3.

Баҳоси келишилган ҳолда.

Босмахона гувоҳномаси № 10-24-10
«Ҳумоюнбек истиқлол мўъжизаси» босмахонасида
ризография усулида чоп этилди.